УЎК: 611.631:616.348-002.44

ЯРАЛИ КОЛИТ ФОНИДА УРУҒ КАНАЛЧАЛАРИ ВА СПЕРМАТОГЕНЕЗНИНГ ЁШГА БОҒЛИҚ ҚАЙТА ҚУРИЛИШИ ҲАМДА МОМОҚАЙМОҚ ИЛДИЗИНИНГ ҲИМОЯ ИМКОНИЯТИ

Болтаев Феруз Ғайрат ўғли, Хасанова Дилноза Ахроровна
Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро, Ўзбекистон

Долзарблиги. Ичакнинг сурункали яллиғланиш касалликлари, жумладан ярали колит, кўпинча болалик ва ёш даврда бошланиб, репродуктив ёшдаги эркакларни қамраб олади. Кейинги йилларда бу касалликнинг ичакдан ташқари асоратлари, шу жумладан жинсий безларга таъсири тобора кўпроқ муҳокама қилинмоқда, аммо унинг уруғдон тўқимасидаги тузилмавий асослари етарлича очиб берилмаган. Тизимли яллиғланиш ва оксидловчи стресс фонида уруғ каналчалари ва сперматогенезнинг қандай ўзгариши, бу ўзгаришларнинг ёшга боғлиқлиги ҳамда уларни табиий воситалар билан юмшатиш имконияти амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот мақсади. 6 ва 9 ойлик оқ зотсиз каламушларда тажрибавий ярали колит фонида уруғдоннинг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш ҳамда уларни момоқаймоқ (Taraxacum officinale) илдизи экстракти билан коррекциялаш имконини аниқлаш.

Материал ва усуллар. Тажриба 150 та эркак каламушда ўтказилди; ҳайвонлар уч гуруҳга ажратилди (ҳар бир ёшда n=25): интакт назорат; ярали колит (4% сирка кислотаси, 2 мл интраректал); ярали колит фонида момоқаймоқ илдизи экстракти билан коррекция (200 мг/кг/сут, ичга, 14 кун). Уруғдон намуналари парафинга жойланиб, гематоксилин-эозин билан бўялди; морфометрия QuPath дастурида калибрланган ҳолда бажарилди (каналча диаметри, эпителий баландлиги, ҳужайралар сони, Йонсен бали). Рақамли маълумотлар икки омилли дисперсион таҳлил ва Тьюки мезони билан ишланди ($p<0,05$).

Натижалар. Назорат гуруҳида уруғдон тузилиши меъёрий бўлиб, каналчалар зич жойлашган ва сперматогенез тўлиқ эди. Ярали колит фонида каналчалар торайиб, эпителий юпқалашди ва герминатив ҳужайралар люмен томон кўчди. 9 ойлик гуруҳда назоратга нисбатан каналча диаметри 23,4% га (292,7±4,8 дан 224,3±5,6 мкм гача), эпителий баландлиги 36,0% га, Йонсен бали 35,8% га камайди; сперматозоидлар сони 2,46 марта, Лейдиг ҳужайралари 1,56 марта қисқарди (барчаси $p<0,001$). Ўзгаришлар 9 ойлик ҳайвонларда 6 ойликка нисбатан кучлироқ ифодаланди. Момоқаймоқ билан даволашда кўрсаткичлар назоратнинг 83–93% ига тикланди (ЯКга нисбатан диаметр +21,0%, сперматозоидлар +104,8%; $p<0,01$), бироқ тўлиқ нормага етмади.

Хулоса. Тажрибавий ярали колит уруғдонда ёшга боғлиқ атрофик-дегенератив ўзгаришларни келтириб чиқаради, улар кекса ёшда яққолроқ намоён бўлади. Момоқаймоқ илдизи экстракти сперматогенез кўрсаткичларини сезиларли яхшилаб, қисман, морфологик жиҳатдан тасдиқланган гонадопротектив таъсир кўрсатади. Олинган натижалар табиий фитопрепаратлар асосида репродуктив ҳимоя воситаларини ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Калит сўзлар: ярали колит, уруғдон, сперматогенез, морфометрия, Йонсен бали, момоқаймоқ, каламуш.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.